Pearson BTEC

Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража

# Меҳмондўстлик

соҳаси бўйича

Малакалар

**4-модул:** Мехмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш

## Ўқитувчи Ресурслари

**1-нашр**



**Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси**

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

**Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com. сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96367 8

Ушбу нашрдаги барча материаллар
© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

# Мундарижа

**Кириш** 1

**4-модул: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш** 3

Ўқув қўлланма 3

Иш схемаси 11

Дарс режаси 31

# Кириш

Ушбу ресурс буклети Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс буклети сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, буклет сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур ресурс буклети сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинадиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режалари.
- Ушбу ресурс буклетидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар BTEC малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.
- Мазкур буклетдаги ўқитиш бўйича йўриқнома сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олиниши лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:
  - малакангизнинг тузилмаси
  - ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
  - тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
  - бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

# 4-модул: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш

## Ўқув қўлланма

### Модул билан танишиш

Ушбу модул ўқувчиларга меҳмондўстлик саноатида мижозларга хизмат кўрсатиш тамойилларини ўрганишга имкон беради. Ўқувчилар мижозларга самарали хизмат кўрсатиш ҳақида тасаввурга эга бўлишади, бу хам бизнес учун хизматлардан тўғри ва самарали фойдаланиш каби муҳимдир. Улар мижозлар ўзларини қулай ҳис қилишлари учун, уларнинг эҳтиёж ва истакларига жавоб бериш имконини берадиган мижозлар билан ишлаш кўникмаларини эгаллашади. Ўқувчилар мижозларга самарали хизмат кўрсатиш меҳмондўстлик соҳасида ташкилотга ва ходимларга қандай таъсир ўтказиши мумкинлиги ҳақида билиб олишади.

А ўқитиш мақсади мижозларга хизмат кўрсатиш тамойиллари ва мақсадларига йўналтирилади. Бу ерда мутлақо ҳар хил эҳтиёж ва тахминларга эга бўлган ҳар хил турдаги мижозлар хақида маълумот тақдим этилади. Мижозларга хизмат кўрсатишнинг расмий стандартларини ўрнатиш ва ушбу стандартларни қўллаб- қувватлаш учун сиёсат ва тартиб таомилларини ишлаб чиқиш масалалари ёритилади.

В ўқитиш мақсади ўқувчиларга меҳмондўстлик соҳасида ишлашда ролларга бўлиниб ўйнашда иштирок этиш ва мижозларга самарали хизмат кўрсатишни ҳамда мулоқот қилиш малакаларини намойиш этиш имконини беради.

С ўқитиш мақсади қандай қилиб меҳмондўстлик соҳасида ташкилотга муваффақиятли хизмат қилишни таъминлаш учун мижозларга хизмат кўрсатишни назорат қилиш ва баҳолашни ўрганиш имконини беради, мониторинг жараёнида тўпланган маълумотдан мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш учун қандай фойдаланиш мумкинлигини кўриб чиқишади. Кейин уларда қандай қилиб мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилашни ўрганиш, меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилашнинг потенциал турларини ва ушбу яхшиланишларга эришиш йўлларини баҳолаш имконияти пайдо бўлади.

Ўқувчилар қуйидагилардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари керак:

- меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотдан таклиф қилинган спикерлар – ўз бизнес доирасида мижозларга хизмат кўрсатишни қандай таъминлашлари тўғрисида ўқувчилар билан суҳбатлаша оладиган вакиллар
- баҳолаш учун ишчи дафтари,
- интернет.




Ўқув-услубий материал – 1-нашр – Январ 2020 © Pearson Education Limited 2020

## Модулнинг бошланиши

Модулнинг бошланиши – бу мазкур модулни ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

| 4-модул: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш |
| --- |
| **Кириш**<br><br>Ушбу модулнинг мақсади – ўқувчиларга ўз мижозларига самарали хизмат кўрсатиш муҳимлигини тушунишга ёрдам бериш. Бу ерда шунингдек, меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотлар ўз мижозларига таклиф этаётган хизматларини қандай қилиб тақдим этишлари, назорат қилишлари ва баҳолашлари таърифланади.<br><br>Ушбу модулда мижозларнинг ҳар хил турлари ва уларнинг меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотларида учрайдиган эҳтиёжлари кўриб чиқилади.<br><br>Ўқувчилар шунингдек, «эҳтиёжлар» ва «тахминлар» орасидаги фарқни ва мижозларнинг биргина эҳтиёжларини қондиришнинг ўзи келгусида айнан сизнинг меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотингизга қайтишига ундашига етарли бўлмаслигини тушунишни ўрганишади.<br><br>Ўқувчилар келгусида меҳмондўстлик саноатида иш топишда ёрдам берадиган, ўзларининг мижозларга хизмат кўрсатиш ва улар билан мулоқотда бўлиш каби кўникмаларини ривожлантириш ва машқ қилиш имкониятига эга бўлишади. |
| **А ўқитиш мақсади – Мижозларга хизмат кўрсатиш тамойилини ўрганиш** |
| • Меҳмондўстлик соҳасида маҳсулот ва хизматлардан фойдаланган ҳолда, мижозларга хизмат кўрсатиш тажрибасини ўқувчилар билан жамоавий муҳокама қилишдан бошланг. Ўқувчилар ижобий ва салбий тажрибани ва улар ҳар бир тажрибадан кейин нимани ҳис қилишганини ёзиб боришади.<br><br>• Интернетдан фойдаланган ҳолда онлайн-шарҳлар сайтларига кириш имконига эга бўлинг. Ўқувчилар меҳмонхона ва ресторанлар ишлари ва хизмат кўрсатишлари тўғрисида салбий ва ижобий шарҳларни тўплашади. Ҳар бир меҳмонхона ва ресторан тўғрисида шикоят ва ижобий шарҳларни ёзиб бориш учун шаблон ишлаб чиқиш зарур. Ўқувчилар шарҳлардан келиб чиқиб хулосалар қилишади. Уларга тўхташни исташадиган меҳмонхона ва овқатланишлари мумкин бўлган ресторанни танлаш вазифаси берилади. Гуруҳда муҳокама ўтказиш ва фикрлар билан алмашиниш зарур.<br><br>• Ўқувчиларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш мақсадлари билан танишишлари учун тақдимотларидан фойдаланинг. Бу умумий кириш ёки |

| 4-модул: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш |
|---|
| агар имкон бўлса, меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотдан мисол келтириш бўлиши мумкин.<br>• Ўқувчиларнинг ҳар хил турдаги мижозлар билан танишишлари учун тақдимотлар ўтказинг. Ўқувчилар мижозларнинг жамоанинг бошқа аъзолари каби ички ёки оилалар ва жуфтликлар каби ташқи мижозлар бўлиши мумкинлигини англашлари муҳим. Ўқувчиларни жуфтларга ажратинг ва улардан имкон қадар кўпроқ ички ва ташқи мижозларни аниқлашларини сўранг. Ўқувчилар ўз жавобларини айтишлари керак. Ўқувчилар бошқа жуфтликлардан маълумот йиғишлари учун фойдалана оладиган ишчи варағини ишлаб чиқиш зарур.<br>• Турли хил ички ва ташқи мижозлар ва ички мижозларнинг эҳтиёжлари ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш учун тақдимотлар ўтказинг. Ўқувчилар ички мижозлар тушунчаси тўғрисида хулосалар қилишади, бу тушуниш учун мижозларнинг энг мураккаб туридир. Бу ўқувчиларнинг жамоа аъзосига хизмат кўрсатиш оиалага ёки бошқа турдаги мижозга хизмат кўрсатиш билан ўхшашлигини тушунмаслиги билан боғлиқ. Ҳудди шу тақдимотдан эҳтиёжлар ва тахминлар орасидаги фарқни тушунтириш учун фойдаланиш мумкин.<br>• Ўқувчилар жуфтликларга бўлинган. Улардан бир турдаги ташқи мижозларнинг эҳтиёжлари ва тахминларини кўриб чиқишларини ва синфга тақдим этса бўладиган плакат ишлаб чиқишларини сўранг. Тақдимотдан сўнг ҳар бир плакатни тақризлаш учун барча ўқувчиларга тарқатиш имкони бўлиши учун суратга олинг.<br>• Спецификация таркибида санаб ўтилган мижозларнинг турли эҳтиёж ва тахминларини тасдиқлаш учун тақдимотдан фойдаланинг. Ўқувчилар улар учун намуналарнинг ҳар бири қанчалик муҳим эканлигини муҳокама қилишади.<br>• Ўқувчиларнинг мижозлар томонидан шикоятларини кўриб чиқишни ўрнатиш тушунчаси билан танишиш мақсадида тақдимотлардан фойдаланинг.<br>• Ўқувчилар кўриб чиқишлари учун айрим сиёсат намуналарини ишлаб чиқинг ёки намойиш этинг. Таркиби бўйича улар қийин бўлмаслиги керак, лекин тушунча ва тасаввурларини бериши керак. Сиёсат ва таомил мижозларга самарали хизмат кўрсатишни таъминлашда қандай ёрдам беришини ва улар бизнесни кенгроқ бошқариш учун қанчалик муҳимлигини тушунтиринг. |

| 4-модул: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш |
|---|
| • Ўқувчиларни катта бўлмаган гуруҳларга бўлинг ва улардан кичик меҳмонхонада меҳмонларни қабул қилиш ҳудудида мижозларга хизмат кўрсатишнинг шахсий стандартларини ишлаб чиқишини сўранг. Ўқувчилар уларни синфнинг қолган қисмига тақдим этишади. Кейин синф натижага эришиш ва ўқитиш учун баҳолашни чиқариш мақсадида амалий машғулотда фойдаланган ҳолда стандартлардан бирини танлайди. Меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотдан спикерни таклиф қилинг. У шахсий бизнесда учратадиган мижозларнинг турли хиллари тўғрисида ва улар ушбу мижозларнинг эҳтиёж ва умидларига қандай жавоб беришлари ҳақида сўзлаб бериши керак. Таклиф этилган спикер стандартлардан фойдаланиш концепциясини ва улар қандай қилиб мижозларга самарали хизмат кўрсатишни таъминлашда ёрдам беришини муҳокама қилиши мумкин. |
| **В ўқитиш мақсади – Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатишни намойиш қилиш** |
| • Ўқувчиларга мижозларга самарали хизмат кўрсатиш учун зарур кўникмаларни аниқлашда ёрдам берадиган индивидуал ёки жуфтлик машқлардан бошланг. Сўнгра ўқувчилар жойларига қайтишади, ўқитувчи гуруҳлар томонидан тақдим қилинган ғояларни ёзиб олади.<br>• Мижозларга хизмат кўрсатишнинг қуйидаги асосий кўникмалари билан танишиш учун тақдимотдан фойдаланинг:<br>o маҳсулотлар ва хизматлар ҳақида маълумотларни тақдим этиш,<br>o мижозларнинг эҳтиёжларига мос равишда маҳсулот ва хизматлар танловини тасдиқлатишни билиш,<br>o мижозларнинг ҳар хил эҳтиёжларини тушуниш ва билиш,<br>o дўстона ва очиқ бўлиш,<br>o барча мижозларга ҳурмат кўрсатиш,<br>o жамоада ишлаш,<br>o вазифани ўз вақтида тугатиш,<br>o сизнинг ишчи ролингиз доирасида ишлаш.<br>• Ўқувчилар ушбу кўникмаларни жуфт бўлиб, амалий машғулотда қўллай олиш учун ролли машқларни ишлаб чиқинг. Ролли ўйин ва муҳокамани кузатаётиб ўқувчиларга фикр-мулоҳазаларини билдиришларига имкон беринг. |

| 4-модул: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш |
|---|
| • Ўқувчиларни сотиш кўникмалари билан танишишлари учун тақдимотлардан фойдаланинг. Тақдимотда сотишнинг барча кўникмалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва устунликлари кўрсатилган ва тасвирланган бўлиши керак:<br>○ қўшимча маҳсулот ва хизматларнинг тарғиботи,<br>○ тегишли маслаҳатни беришни билиш,<br>○ савдонинг ошиши,<br>○ сотишдан кейинги хизматни таъминлаш ва мижоз билан алоқани қўллаб-қувватлаш.<br>• Ўқувчилар ушбу кўникмаларни жуфт бўлиб, амалий машғулотда қўллай олиш учун ролли машқларни ишлаб чиқинг. Ролли ўйин ва муҳокамани кузатаётиб ўқувчиларга фикр-мулоҳазаларини билдиришларига имкон беринг.<br>• Ўқувчиларнинг қуйидаги муаммолар билан танишуви учун тақдимотдан фойдаланинг:<br>○ майда шикоятларни кўриб чиқиш,<br>○ мижозга мос равишда мурожаат қилиш,<br>○ муаммоларни ҳал қилиш бўйича чораларни амалга ошириш.<br>• Ўқувчилар ушбу кўникмаларни жуфт бўлиб, амалий машғулотда қўллай олиш учун ролли машқларни ишлаб чиқинг. Ролли ўйин ва муҳокамани кузатаётиб ўқувчиларга фикр-мулоҳазаларини билдиришларига имкон беринг.<br>• Ўқувчиларнинг оғзаки сўзлашиш кўникмалари ва улардан самарали фойдаланиш билан танишуви учун тақдимотдан фойдаланинг. Ўқувчилар ушбу кўникмаларни жуфт бўлиб, амалий машғулотда қўллай олиш учун ролли машқларни ишлаб чиқинг. Ролли ўйин ва муҳокамани кузатаётиб ўқувчиларга фикр-мулоҳазаларини билдиришларига имкон беринг.<br>• Ўқувчиларнинг новербал сўзлашув ва тинглаш кўникмалари, шунингдек, новербал мулоқот кўникмаларидан қандай фойдаланиш билан танишуви учун тақдимотдан фойдаланинг. Ўқувчилар ушбу кўникмаларни жуфт бўлиб, амалий машғулотда қўллай олиш учун ролли машқларни ишлаб чиқинг. Ролли ўйин ва муҳокамани кузатаётиб ўқувчиларга фикр-мулоҳазаларини билдиришларига имкон беринг. |

| 4-модул: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш |
|---|
| • Ўқувчиларнинг ёзма сўзлашув кўникмалари ва улардан самарали фойдаланиш усуллари билан танишуви учун тақдимотдан фойдаланинг. Ўқувчилар ушбу кўникмаларни жуфт бўлиб, амалий машғулотда қўллай олиш учун ролли машқларни ишлаб чиқинг. Ўқувчилардан сўзлашувнинг бир қатор ёзма намуналарини ишлаб чиқишларини сўранг.<br><br>• Ўқувчиларнинг турли алоқа усуллари ёрдамида шахсий сифатларни ривожлантириш учун мулоқот усулларини қўллаш ва мижозлар билан мулоқот қилиш учун амалий вазифалардан фойдаланиш билан танишувлари учун тақдимотдан фойдаланинг. Ўқувчилар ушбу кўникмаларни жуфт бўлиб, амалий машғулотда қўллай олиш учун ролли машқларни ишлаб чиқинг. Ролли ўйин ва муҳокамани кузатаётиб ўқувчиларга фикр-мулоҳазаларини билдиришларига имкон беринг. |
| **С ўқитиш мақсади – Мижозларга хизмат кўрсатишни мониторинг қилиш, баҳолаш ва яхшилашнинг турли усулларини ўрганиш** |
| • Ўқувчилар билан муҳокамани мижозларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини назоратининг энг зўр усули – бу мижозлардан уларнинг фикрини билиш эканлигидан бошланг. Жуфт бўлиб ишлаётган ўқувчилардан мижозларнинг шарҳларини қандай йиғиш мумкинлиги тўғрисида мисоллар келтиришларини сўранг. Ўқувчиларга фикр-мулоҳазага имкон берган ҳолатда, синфда муҳокама ўтказинг.<br><br>• Меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотнинг ишида мижозларга хизмат кўрсатиш мониторинги учун фойдаланса бўладиган турли усулларни тақдим қилиш учун тақдимотдан фойдаланинг. Уларнинг ҳар бирига тегишли мисоллар келтиринг ва уларнинг ҳар биридан қандай фойдаланиш мумкинлигини тасвирланг ёки тушунтиринг.<br><br>• Жуфтликдаги ўқувчилардан мижозларнинг маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисидаги шарҳларини олиш учун фойдаланса бўладиган изоҳли карталар ва анкеталарни ишлаб чиқишларини сўранг. Эҳтимол улар ўқувчиларнинг мактаб ёки коллежлардаги ошхоналар ҳақидаги шарҳларни йиғиш учун мўлжалланган бўлиши мумкин.<br><br>• Ўқувчиларга олдинги машғулотда ишлаб чиқилган карта ва анкеталардан фойдаланиб мактаб, коллеж ўқувчилари орасида сўровнома ўтказиш вазифасини беринг. Агар машғулотни бажариб бўлмаса, ўқувчилар маълумот тўплашни машқ қилишлари учун ёлғон фикр-мулоҳазани тақдим этинг.<br><br>• Мижознинг фикр-мулоҳазаси қандай баҳоланишини намойиш этиш учун уларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўранг. |

| **4-модул: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш** |
|---|
| • Мижозларга хизмат кўрсатишни баҳолаш учун маълумот ва статистикадан фойдаланишнинг бошқа усулларини аниқлаш бўйича тақдимот ўтказинг. Ўқувчиларни маълумотлар ва статистика қандай қилиб меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотларга мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошиш даражасини аниқлашга, сўнгра керакли ўзгаришларни киритишга имкон бериши билан таништиринг. Меҳмондўстлик соҳасидаги бўлиши мумкин бўлган муаммолардан мисоллар келтиринг ва уларни қандай ҳал қилиш мумкинлигини тушунтиринг. Қўшимча мисоллар келтиринг ва ўқувчилардан ечимларни таклиф қилишларини сўранг.<br>• Ўқувчиларга улар олдинроқ тўплаган фикр-мулоҳазаларни солиштиришга имкон бериш учун жуфтликларда машғулотлардан фойдаланинг. Агар маълумотларни тўплаш имкони бўлмаган бўлса, ўқувчиларга солиштиришлари учун ёлғон фикр-мулоҳаза тақдим этинг. Бу ўқувчиларга, қандай қилиб фикр-мулоҳаза мижозларга хизмат кўрсатишни баҳолаш учун фойдаланилишини аниқлаш имконини беради.<br>• Ўқувчилар мижозларга хизмат кўрсатишни қандай яхшилаш тўғрисида ўз фикрларини айта олишлари ва фикр-мулоҳазаларни олиш ёрдамида ушбу ўзгаришларнинг ижобий томонлари тўғрисида ўйлаб кўришлари учун кейс-стадидан фойдаланинг. |

## BTEC нинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

- 1-модул: Мехмондўстлик соҳасига кириш;
- 2-модул: Мехмондўстлик соҳасида жамоа билан ишлаш;
- 5-модул: Мехмондўстлик соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўникмалари;
- 6-модул: Мехмондўстлик соҳасидаги тадбирлар;
- 9-модул: Мехмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона;
- 10-модул: Мехмондўстлик соҳасида иш жойидаги кўникмалар;
- 11-модул: Иш тажрибаси.

*Pearson ташқи интернет-сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ҳар бир веб-сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL-манзилнинг ҳамон аниқ, ишончли ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар томонидан кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / колледжнинг ички тармоғи орқали улардан фойдаланишга рухсат беришларини маслаҳат берамиз.*

# Иш схемаси

| | |
|---|---|
| **Модул** | 4-модул: меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш |
| **Ўқув соати** | 60 |
| **Дарслар сони** | 20 |
| **Дарсларнинг давомийлиги** | 3 соат |
| **Бошқа модулларга ҳаволалар** | • 1-модул: Мехмондўстлик соҳасига кириш;<br>• 2-модул: Мехмондўстлик соҳасида жамоа билан ишлаш;<br>• 5-модул: Мехмондўстлик соҳасидаги хизмат кўрсатиш кўникмалари;<br>• 6-модул: Мехмондўстлик соҳасидаги тадбирлар;<br>• 9-модул: Мехмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона;<br>• 10-модул: Мехмондўстлик соҳасида иш жойидаги кўникмалар;<br>• 11-модул: Иш тажрибаси. |

| **Ўрганиш учун калитлар** | | | |
|---|---|---|---|
| **ЁМТ** | Ёзма мустақил топшириқ | **ММ** | Материалларни Мустаҳкамлаш |
| **ТЭС** | Таклиф этилган спикер | **Т** | Ташриф |
| **МЎ** | Мустақил ўқтиш | **ИТ** | Иш Тажрибаси |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | А1 Мижозларга хизмат кўрсатиш<br>• Таъриф<br>• Мижозларга хизмат кўрсатиш мақсади. | | • **Кириш:** ўқувчиларни модул, шу жумладан унинг таркиби ўқитиш схемаси ва модулни баҳолаш билан таништиринг. «Мижозларга хизмат кўрсатиш мақсадлари» тушунчасига таъриф беринг.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилардан меҳмондўстлик соҳаси маҳсулотлари ва хизматларидан фойдаланган ҳолда уларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш тажрибалари хақида сўранг. Агар улар меҳмондўстлик соҳасидаги ҳолатни муҳокама қила олишмаса, мижозларга хизмат кўрсатишнинг бошқа ҳолатларини кўриб чиқиш керак. Ўқувчилардан ижобий ва салбий тажрибаларини ёзиб олишларини сўранг ва улар ҳар бир тажрибадан сўнг нималарни ҳис қилганларини сўранг. Шарҳларни ёзиб боринг ва уларни мижозларга улардан эҳтиёжларини қондириш учун хизмат кўрсатиш муҳимлигини муҳокама қилиш учун фойдаланинг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** онлайн-шарҳлар сайтларига кира олиш учун интернетдан фойдаланинг. Ўқувчилар меҳмонхона ва ресторанларнинг ишлари ва хизмат кўрсатишлари тўғрисидаги салбий ва ижобий шарҳларни тўплашади. Ҳар бир меҳмонхона ва ресторан тўғрисидаги шикоят ва ижобий шарҳларни ёзиб бориш учун шаблон ишлаб чиқариш зарур. Ўқувчилар шарҳлардан келиб чиқиб хулоса қилишади. Агар интернет имкони бўлмаса, ўқувчиларга ижобий ва салбий шарҳларни ўрганиб чиқишлари учун босма тўпламларни тақдим этинг. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Машқлар рўйхати. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Синфдаги муҳокама:** ўқувчиларга улар тўхташни ҳохлаган меҳмонхона ва улар овқатланиши мумкин бўлган ресторанни танлаш вазифаси берилади. Гуруҳда муҳокама ўтказиш ва фикрлар билан алмашиниш зарур.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** ўқитувчи назорати остида «Мижозларга хизмат кўрсатиш мақсадлари» мавзусида тақдимот ўтказилади. Ўқувчилардан қўйилган мақсадларни муҳокама қилишлари ва ўзларининг вариантларини таклиф қилишларини сўранг. Уларнинг жавобларини йиғинг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** Ўқувчилардан «Мижозларга хизмат кўрсатиш нима?» номли плакат тайёрлашларини сўранг.<br>• **Якуний сессия:** ўтилган материални текшириш учун назорат саволлари ва жавоблари. Ўқувчилар ўз плакатларини синфнинг бошқа қисмига тақдим этишлари керак. | |
| **2** | А2 Мижозлар талаб ва истакларини қондириш<br>• Мижозларнинг ҳар хил турлари – ички ва ташқи мижозлар. | | • **Кириш:** мавзуни эълон қилинг: «Мижозларнинг ҳар хил турлари».<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** ўқувчиларни турли хил мижозлар турлари билан таништириш учун тақдимот ўтказинг. Мижозлар ички ва ташқи бўлиши мумкинлигини тушунтиришдан бошланг. Ўқувчилар, масалан, мижозлар жамоанинг бошқа аъзолари каби ички ёки оила ва жуфтликлар каби ташқи мижозлар бўлиши мумкинлигини англашлари муҳим. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Машқлар рўйхати. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Жуфликда бажариладиган машқлар:** тайёрланган ишчи варағидан фойдаланиб ўқувчилардан имкон қадар кўпроқ ички ва ташқи турдаги мижозларни аниқлашларини сўранг. Мисолларни модул таркибида кўринг.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилар Жуфликда бажариладиган машқлар устида ишлаш хақидаги фикрларини бошқа иштирокчилар билан алмашинишади. Ички ва ташқи мижозларнинг ҳар хил турларини муҳокама қилинг. Ўқувчилар ўзларининг ишчи варақларини тенгдошлари томондан тақдим этилган янги мисоллар билан тўлдиришлари керак.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** мижозлар турлари хақидаги мавзуни мустахкамлаш учун тақдимотдан фойдаланинг. Эҳтиёж ва кутишлар орасидаги фарқни ва ҳар хил турдаги мижозлар ҳар хил эҳтиёжлар ва кутишларга эга эканлигини тушунтиринг.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилар ички мижозларнинг эҳтиёжларини муҳокама қилишади. Ўқитувчи ўқувчиларни жавобларини тўплайди ва фикрларини муҳокамасини ўтказади.<br>• **Якуний сессия:** ўтилган мавзуларни қисқача мазмуни, назорат саволлари ва модуллардан олинган билимларни синаш учун ўқувчиларни жавоблари. | |




Ўқув-услубий материал – 1-нашр – Январ 2020 © Pearson Education Limited 2020

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 3 | A3 Мижоз эҳтиёжлари ва истаклари<br>• Ташқи мижозлар уларнинг эҳтиёжлари ва кутганлари. | | • **Кириш:** олдинги дарсни мустаҳкамлаш**,** эҳтиёж ва кутишлар орасидаги фарқни такрорлаш. «Ташқи мижозлар, уларнинг эҳтиёжлари ва кутганлари».<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар** ташқи мижозларни характерловчи мисолларни келтиринг:<br>  ○ оилалар;<br>  ○ ишбилармон кишилар;<br>  ○ жуфтликлар;<br>  ○ ташкилий гуруҳлар;<br>  ○ кекса одамлар.<br>• Ўқувчилардан ҳар бир турдаги ташқи мижозларнинг эҳтиёжлари ва кутишлари тўғрисида ўйлаб кўришларини сўранг ва ҳаммасини синфда тақдим қилса бўладиган плакатга ёзинг. Уларнинг тақдимотидан кейин барча ўқувчилар орасида тарқатиш мумкин бўлиши учун ҳар бир плакатнинг суратини олинг.<br>• **Синфдаги муҳокама:** синфдан мижознинг ҳар бир турини муҳокама қилишни ва унинг эҳтимолли эҳтиёжлари ва кутишларини тасдиқлашни сўранг.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** ўқувчилар томонидан дарсларда ўрганилган мижозлар турларининг эҳтиёжлари ва кутишларини умумийлаштиринг. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Машқлар рўйхати. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 4 | | | • **Мустақил иш:** ўқувчилардан улар учун мисолларнинг ҳар бири қанчалик муҳимлигини сўранг. Ўқувчилардан улар ресторан, кафе, меҳмонхонага (ҳар бир ўқувчи учун энг мос келадиган категорияни танланг) ташриф буюрганда ўзларининг истаклари ва кутишлари хақида ўйлаб кўришларини сўранг. Сўнгра ўқувчилардан фикр-мулоҳаза қилишларини сўранг, олинган мисолларни муҳокама қилинг.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** ўқувчилар «муҳимлик даражаси» тартибида ўзларининг эҳтиёжлари ва кутишларини ёзиб олишади. Олинган натижаларни муҳокама қилинг.<br>• **Якуний сессия:** модулда олинган билимларни синаш учун якуний савол ва жавоблар. | |
| **4** | A3 Мижоз эҳтиёжлари ва истаклари<br>• Мижозларнинг умумий тилаклари ва эҳтиёжлари. | | • **Кириш:** олдинги дарсдаги машғулотларни мустаҳкамлаб «Мижозларнинг эҳтиёжлари ва кутганлари» мавзусига ўтинг.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** Олдинги дарсда кўриб чиқилмаган ташқи мижозларнинг эҳтиёж ва кутишларини ўрганинг. Тақдимотда бир нечта мижозлар «турлар» орасида бўлиниши мумкин бўлган умумий эҳтиёжлар ва кутишлар кўриб чиқилиши керак. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Машқлар рўйхати. |




Ўқув-услубий материал – 1-нашр – Январ 2020 © Pearson Education Limited 2020

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Синфдаги муҳокама:** ҳозирги пайтда Ўзбекистонда меҳмондўстлик соҳаси мижозларнинг умумий ва ўзига хос эҳтиёжларини қай даражада яхши қониқтира олаётганини муҳокама қилинг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** жуфтликларда ўқувчилар ҳозирги пайтда Ўзбекистонда таклиф этилаётган мижозларга хизмат кўрсатиш ҳақидаги савол устида бош қотиришлари керак бўлади: бу мижозларнинг эҳтиёж ва кутишларини қониқтирадими? Агар қониқтирмаса, нима учун?<br>• **Синфдаги муҳокама:** Жуфликда бажариладиган машқлар пайтида йиғилган ғояларни муҳокама қилинг. Ўқувчилардан жавобларини асослаб беришларини сўранг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари ва билимларни текшириш учун назорат саволлари ва жавоблари. | |
| **5** | A4 Мижозларга хизмат кўрсатиш стандартларини белгилаш<br>• Мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари.<br>• Шикоятларни кўриб чиқиш сиёсати. | | • **Кириш:** мижозларнинг шикоятлари ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ўртасидаги муносабатни ўрганиш.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** стандартларни ўрнатиш ва қўллаб қувватлаш учун мижозларнинг шикоятлари ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ҳамда шикоятларни бериш таомили ўртасидаги муносабатни ўрганинг. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Машқлар рўйхати. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Ўқитувчи раҳбарлиги остида машғулот:** ўқувчилар ўртасида кўриб чиқиш учун стандартларнинг бир қанча мисолини таклиф қилинг ёки ишлаб чиқинг. Улар мураккаб бўлмаслиги керак, лекин уларнинг мақсадини акс эттириши керак.<br>• **Жуфтликлардаги машқлар:** ўқувчиларни жуфтларга ажратинг ва улардан катта бўлмаган меҳмонхонада меҳмонларни қабул қилиш ҳудудида фойдаланиш учун мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича ўз стандартларини ишлаб чиқишларини сўранг.<br>• **Синфдаги муҳокама:** синфдан улар рол усули амалиётида ва В ўқитиш мақсади учун баҳолашда фойдаланадиган стандартлар тўпламидан бирини танлашларини сўранг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари ва билимларни текшириш учун назорат саволлари ва жавоблари. | |

 © Pearson Education Limited 2020

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 6 | • Таклиф этилган спикер<br>• Меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилот вакили мижозлар билан ишлаш ҳақида гапириб беради. | ТЭС | • **Кириш:** ўқувчиларни таклиф этилган спикер ва муҳокама қилинадиган мавзулар билан таништиринг.<br>• **Таклиф этилган спикер:** меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилотдан таклиф этилган спикер билан қуйидаги мавзулар бўйича сухбат уюштиринг:<br>○ мижозларга самарали хизмат кўрсатишнинг муҳимлиги,<br>○ мижозларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги бизнесда учрайдиган мижозлар турлари,<br>○ мижозларнинг эҳтиёж ва кутганларига қандай жавоб бериш керак,<br>○ мижозларга самарали хизмат кўрсатишни таъминлаш учун стандартларни ўрнатиш тушунчалари,<br>○ мижозларга самарали хизмат кўрсатишни таъминланиши учун ходимлар ўзида мужассам этишлари керак бўлган кўникмалар,<br>○ ишчиларга карьера ўсишини тақдим этувчи ўқитиш.<br>• **Саволлар ва жавоблар сессияси:** ўқувчилар таклиф этилган спикерга саволлар беришлари мумкин. | • Таклиф қилинган спикер.<br>• Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Машқлар рўйхати. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **7** | Баҳолаш | **ЁМТ** | • **Кириш:** А ўқитиш мақсадини мустаҳкамланг: Мижозларга хизмат кўрсатиш тамоилларини ўрганиш.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлиги остида машғулот:** ишчи дафтаридан мустақил ишни тарқатинг ва ўқувчилар билимига ишонч ҳосил қилиш учун қисқача йўриқномани кўриб чиқинг.<br>• **Синфдаги муҳокама:** баҳолаш учун ишчи дафтардаги 1-вазифа учун исботларга талабларни муҳокама қилинг.<br>• **Мустақил иш:** баҳолаш иши – ўқувчилар олдинги дарслардан ўзларининг эслатмалари ва ишчи варақларидан фойдаланишлари мумкин.<br>• **Якуний сессия:** ўқувчилар баҳолаш учун ишларини топширишади. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Баҳолаш учун ишчи дафтари. |
| **8** | B1 Меҳмондўстлик соҳасида меҳмонларга хизмат кўрсатиш кўникмалари<br>• Мижозларга хизмат кўрсатиш кўникмалари. | | • **Кириш:** мавзуни эълон қилиш: «Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш кўникмалари». Ўқувчиларнинг мижозларга хизмат кўрсатишнинг асосий кўникмалари билан танишуви.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилардан мижозларга самарали хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган кўникмаларни аниқлашини сўранг. Сўнгра ўқувчилардан уларни синфга тақдим этишини сўранг, ўқитувчи ғояларни тўплайди. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Ролли машқлар. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** мижозларга хизмат кўрсатишнинг асосий кўникмалари билан танишиш учун тақдимотдан фойдаланинг:<br>○ маҳсулот ва хизматлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш,<br>○ мижозларнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда маҳсулот ва хизматлар танловини тасдиқлатиш,<br>○ мижозларнинг турли эҳтиёжларини тушуниш ва билиш,<br>○ дўстона ва очиққўнгил бўлиш,<br>○ барча мижозларга ҳурмат кўрсатиш,<br>○ жамоада ишлаш,<br>○ вазифаларни ўз вақтида бажариш,<br>○ сизнинг ишчи ролингиз доирасида ишлаш.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар кўникмаларни жуфт бўлиб бажара олишлари учун бир неча ролли машқлардан фойдаланинг. Вазифани амалий бажарилишини ва муҳокамани кузатинг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, билимларни текшириш учун назорат савол ва жавоблари. | |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 9 | B1 Меҳмондўстлик соҳасида меҳмонларга хизмат кўрсатиш кўникмалари<br>• Рағбатлантириш ва сотиш кўникмалари. | | • **Кириш:** олдинги дарсни мустаҳкамланг. Янги мавзуни тақдим қилинг: «Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш кўникмалари».<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** ўқувчиларнинг савдо кўникмалари билан танишуви учун тақдимотдан фойдаланинг. Тақдимотда барча савдо кўникмалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва устунликлари кўрсатилиши ва тасвирланиши керак.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар кўникмаларни жуфт бўлиб бажара олишлари учун бир неча ролли машқлардан фойдаланинг. Кўникмаларни амалий бажарилишини кузатинг, ўқувчилар билан муҳокама ўтказинг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, модулда олинган билимларни текшириш учун назорат савол ва жавоблари. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Ролли машқлар. |
| 10 | B1 Меҳмондўстлик соҳасида меҳмонларга хизмат кўрсатиш кўникмалари<br>• Шикоятларни кўриб чиқиш кўникмалари. | | • **Кириш:** олдинги дарсни мустаҳкамлаш. Мавзуга кириш: «Муаммоларни ҳал қилиш».<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** ўқувчиларни муаммоларни ҳал этиш билан танишуви учун тақдимотдан фойдаланинг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар кўникмаларни жуфт бўлиб бажара олишлари учун бир неча ролли машқлардан фойдаланинг. Кўникмаларни амалий бажарилишини кузатинг, ўқувчилар билан муҳокама ўтказинг. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Ролли машқлар. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, билимларни текшириш учун назорат савол ва жавоблари. | |
| **11** | B2 Самарали алоқа кўникмалари ва техникалари<br>• Оғзаки мулоқот кўникмалари. | | • **Кириш:** мавзуни эълон қилиш: «Самарали мулоқотнинг кўникма ва усуллари». Ўқувчиларниг оғзаки мулоқот кўникмалари билан танишуви.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** ўқувчиларни оғзаки мулоқот кўникмалари ва улардан смарали фойдаланиш усуллари билан танишуви учун тақдимотдан фойдаланинг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар кўникмаларни жуфт бўлиб бажара олишлари учун бир неча ролли машқларни таклиф қилинг. Кўникмаларни амалий бажарилишини кузатинг, ўқувчилар билан муҳокама ўтказинг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, модулда олинган билимларни текшириш учун назорат савол ва жавоблари. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Ролли машқлар.. |
| **12** | B2 Самарали алоқа кўникмалари ва техникалари<br>• Новербал мулоқот кўникмалари. | | • **Кириш:** олдинги дарсни мустаҳкамланг, мавзуни эълон қилинг: «Мулоқотнинг самарали кўникма ва усуллари – ўқувчиларнинг новербал мулоқот билан танишуви».<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** ўқувчиларни новербал мулоқот кўникмалари ва эшитиш ва шунингдек новербал мулоқот кўникмаларидан қандай фойдаланиш билан таништириш учун тақдимот тайёрланг. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Ролли машқлар. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар кўникмаларни жуфт бўлиб бажара олишлари учун бир неча ролли машқлардан фойдаланинг. Кўникмаларни амалий бажарилишини кузатинг, ўқувчилар билан муҳокама ўтказинг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, ўқувчиларнинг билимларни текшириш учун назорат савол ва жавоблари. | |
| **13** | В2 Самарали алоқа кўникмалари ва техникалари<br>• Ёзма мулоқот кўникмалари. | | • **Кириш:** олдинги дарсни мустаҳкамланг, мавзуни эълон қилинг: «Мулоқотнинг самарали кўникма ва усуллари». Ўқувчиларнинг ёзма мулоқот кўникмалари билан танишуви.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** ўқувчиларни ёзма мулоқот кўникмалари ва улардан самарали фойдаланиш усуллари билан таништириш учун тақдимотдан фойдаланинг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар кўникмаларни жуфт бўлиб бажара олишлари учун бир неча ролли машқларни таклиф қилинг. Кўникмаларни амалий бажарилишини кузатинг, ўқувчилар билан муҳокама ўтказинг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, ўқувчилар томонидан олинган билимларни текшириш учун назорат савол ва жавоблари. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Ролли машқлар. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **14** | B2 Маҳсулот ва хизматларнинг мижозлар талабига мос келиши<br>• Ўзига хос эҳтиёжларни қониқтириш учун мулоқот кўникмаларини қўллаш. | | • **Кириш:** олдинги дарсни мустаҳкамланг ва мавзуни давом эттиринг: «Мулоқотнинг самарали кўникма ва усуллари». Ўқувчиларнинг ўзига хос эҳтиёжларни қониқтириш учун мулоқот усулларини қўллаш билан танишувини ўтказинг.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** ўқувчиларни ўзига хос эҳтиёжларни қониқтириш учун мулоқот **усуллари**ни қўллаш, мижозлар билан мулоқот учун, стандарт иш тартибида мулоқот воситаларидан фойдаланиш билан таништириш учун тақдимот тайёрланг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар кўникмаларни жуфт бўлиб бажара олишлари учун бир неча ролли машқлардан фойдаланинг. Кўникмаларни амалий бажарилишини кузатинг, ўқувчилар билан муҳокама ўтказинг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, билимларни текшириш учун назорат савол ва жавоблари. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Ролли машқлар. |
| **15** | Баҳолаш | **ЁМТ** | • **Кириш:** В ўқитиш мақсадини мустаҳкамланг: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатишни намойиш қилиш.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлиги остида машғулот:** ишчи дафтаридан мустақил ишни тарқатинг ва ўқувчилар билимига ишонч ҳосил қилиш учун қисқача йўриқномани кўриб чиқинг.<br>• **Умумий муҳокама:** баҳолаш учун ишчи дафтардаги 2-вазифа учун исботларга талабларни муҳокама қилинг. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Ролли машқлар. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ишларни баҳолаш.<br>• **Якуний сессия:** баҳолаш далилини текширинг. | • Баҳолаш учун ишчи дафтари. |
| **16** | C1 Мижозларга хизмат кўрсатишни мониторинг қилишни турли усуллари<br>• Мижозларга хизмат кўрсатишни мониторинг қилиш. | | • **Кириш:** ўқувчиларни дарс мавзуси билан таништиринг: «Мижозларга хизмат кўрсатиш мониторинги».<br>• **Ўқитувчи раҳбарлиги остида машғулот:** ўқувчилар билан муҳокамани мижозларга хизмат кўрсатиш самарадорлигини назоратининг энг зўр усули – бу мижозлардан уларнинг фикрини билиш эканлигидан бошланг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** Жуфт бўлиб ишлаётган ўқувчилардан мижозларнинг шарҳларини қандай йиғиш мумкинлиги тўғрисида мисоллар келтиришларини сўранг. Ўқувчилар олинган маълумотни синф билан бўлишишлари керак бўлади.<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** меҳмондўстлик соҳасидаги ташкилот ишининг турли усулларини ва улардан мижозларга хизмат кўрсатиш мониторинги учун қандай фойдаланиш мумкинлиги тасаввур қилиш учун тақдимотдан фойдаланинг. Тегишли мисоллар келтиринг ва уларнинг ҳар биридан амалда қандай фойдаланиш мумкинлигини тасвирланг ва тушунтиринг. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти. |




Ўқув-услубий материал – 1-нашр – Январ 2020 © Pearson Education Limited 2020

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилардан мижозларнинг маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисидаги шарҳларини олиш учун фойдаланса бўладиган изоҳли карталар ва анкеталарни ишлаб чиқишларини сўранг. Ўқувчилар фикр-мулоҳазаларни йиғиш учун ўзларига маъқул бўдган режани танлашлари мумкин бўлади.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, билимларни текшириш учун назорат савол ва жавоблари | |
| **17** | С2 Мижозларга хизмат кўрсатиш шартларини баҳолаш<br>• Фикр-мулоҳазани йиғиш. | | • **Кириш:** олдинги дарсни мустаҳкамланг, мавзуни тақдим қилиш: «Фикр-мулоҳазани йиғиш».<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** фикр-мулоҳазаларни қандай йиғиш ва солиштириш учун тақдимотдан фойдаланинг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилардан мактаб, колледжидаги, ошхона ҳақидаги бошқа ўқувчиларнинг шарҳларини йиғиш учун 16-дарсда тайёрланган изоҳли карталар, анкеталардан фойдаланишларини сўранг.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, билимларни текшириш учун назорат савол ва жавоблари. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Фикр-мулоҳазанинг босма шакллари. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **18** | C2 Мижозларга хизмат кўрсатиш шартларини баҳолаш<br>• Фикр-мулоҳазани солиштириш. | | • **Кириш:** олдинги дарсни мустаҳкамланг, мавзуни эълон қилинг: «Фикр-мулоҳазани солиштириш».<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** мижозларга хизмат кўрсатишни баҳолаш учун маълумот ва статистикадан фойдаланишнинг бошқа усулларини аниқлаш бўйича тақдимотни тайёрланг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар 16- ва 17-дарслардаги фикр-мулоҳазани солиштириш таҳлилини бажаришади. Йиғиш бўйича вазифа бажарилмаган бўлса, ўқувчилар солиштириши учун ёлғон фикр-мулоҳаза тақдим этинг. Бу ўқувчиларга фикр-мулоҳаза қандай қилиб мижозларга хизмат кўрсатишни баҳолаш учун фойдаланилишини аниқлаш имконини беради.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилар ҳар қандай муаммолар чиққан ҳолатида ва ижобий шарҳларни олганда хотиржам ва ўзига ишонган ҳолатда бўлишлари учун фикр-мулоҳазани солиштириш натижаларини муҳокама қилишлари керак.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, билимларни текшириш учун назорат савол ва жавоблари. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Фикр-мулоҳазанинг босма шакллари.<br>• Миллиметровка.<br>• Маълумотларни тақдим қилиш мисоллари. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **19** | С2 Мижозларга хизмат кўрсатиш шартларини баҳолаш<br>• Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшиланиши. | | • **Кириш:** олдинги дарсни мустаҳкамланг, янги мавзуни тақдим қилинг: «Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши».<br>• **Ўқитувчи раҳбарлигидаги тақдимот:** ўқувчиларни янги мавзу билан таништириш учун тақдимотдан фойдаланинг. Йиғилган ва солиштирилган фикр-мулоҳазаларга асосланган, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш усулларини тасвирланг. Мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши таъсирини ўрганинг.<br>• **Жуфликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилар мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш борасидаги таклиф ва фикрларини айта олишлари учун кейс стадидан фойдаланинг ва мижозлар билан фикр-мулоҳазани яхшилаш учун ўзгартиришлар киритишнинг таъсири ҳақида ўйлаб кўринг. Сўнгра ўқувчилар синфга фикр-мулоҳаза бериши керак.<br>• **Синфдаги муҳокама:** улар меҳмондўстлик соҳасида ташкилотга қандай таъсир кўрсатиши мумкинлиги хақидаги таклифни ўзгартиришни муҳокама қилиш.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, билимларни текшириш учун назорат савол ва жавоблари. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Кейс-стади. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **20** | Баҳолаш | | • **Кириш: С ўқитиш мақсадини мустаҳкамланг:** «Мижозларга хизмат кўрсатишни мониторинг қилиш, баҳолаш ва яхшиланишининг турли усулларини ўрганиш».<br>• **Ўқитувчи раҳбарлиги остида машғулот:** ишчи дафтаридан мустақил ишни тарқатинг ва ўқувчилар билимига ишонч ҳосил қилиш учун қисқача йўриқномани кўриб чиқинг.<br>• **Синфдаги муҳокама:** баҳолаш учун ишчи дафтардаги 3-вазифа учун исботларга талабларни муҳокама қилинг.<br>• **Мустақил иш:** ишни баҳолаш.<br>• **Якуний сессия:** ўқитиш якунлари, билимларни текшириш учун назорат савол ва жаворлари. | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• Баҳолаш учун ишчи дафтари. |




Ўқув-услубий материал – 1-нашр – Январ 2020 © Pearson Education Limited 2020

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар |
| **Модул** | 4-модул: Меҳмондўстлик соҳасида мижозларга хизмат кўрсатиш |
| **Дарс рақами** | 1 |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | • Ўқувчиларни модул таркиби билан таништириш<br>• Ўқувчиларга уларнинг ўқитилишлари қандай баҳоланишини тушунишига имкон бериш<br>• Ўқувчиларни мижозларга хизмат кўрсатиш тушунчаси ва мақсадлари билан таништириш |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Модул спецификацияси.<br>• Ручкалар/Флипчарт.<br>• **ТС:** Ўқитувчининг тақдимоти.<br>• **МР:** машқлар рўйхати. |
| Калитлар: **МР**: Машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: Тақдимот слайди | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
